Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 22 ИЮЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 146 (13.208)

Баҳоси эркин нархда

MUSTAQILLIK · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ 25 O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Rio2016

ВАТАН ШАЪНИНИ УЛУҒЛАШ – ЭНГ БУЮК БАХТ

Пойтахтимизда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида август-сентябрь ойларида бўладиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спорт делегациясини кузатиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча жабҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар инсон манфаатлари, халқимизнинг эзгу орзу-истаклари рўёбига хизмат қилаётгани, айниқса, келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодни жисмоний ва маънавий етук, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилаётганини таъкидлади. Ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўсини янада юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга Президентимиз томонидан қаратилаётган доимий эътибор ўзининг юксак самараларини бераётганини қайд этиб, спорт оламининг нуфузли мусобақалари – XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларида спортчиларимизга муваффақият тилади.

Мустақиллигимиз шарофати билан спортчиларимиз жаҳон спорт ареналарида она Ватанимиз номидан беллашувларга чиқиб, улкан ғалабаларни қўлга киритаётгани, давлатимиз мадҳиясини барала янгратиб, байроғимизни сарбаланд этаётгани қалбларимизга фахр-ифтихор туйғуларини бағишлайди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан спортнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳанинг ривожланиши учун халқаро стандартлар талаблари даражасида асос яратиш мақсадида 2002 йилда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил қилинди. Ўтган давр мобайнида жамғарма томонидан мамлакатнинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотлари барпо этилди. Бугунги кунда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг қарийб 60 фоизи спорт секцияларига қатнашмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олимпия ҳаракати кенг тус олди. "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақаларидан иборат уч босқичли спорт ўйинлари мунтазам ташкил этилмоқда. "Кичик Олимпиада" мақомини олган бу мусобақалар бугун минглаб спортсевар ёшларнинг иқтидору маҳоратини юзага чиқариб, уларнинг жаҳон спорт ареналарига чиқишида катта парвоз майдонига айланди.

(Давоми 3-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

21 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Парламент қуйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар олдиндан сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлисларида вазирликлар ҳамда идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида дастлабки тарзда муҳокама этилган эди.

Парламент аъзолари ўз ишларини янги таҳрирдаги "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама этишдан бошладилар.

Қонун лойиҳасини моддамамодда муҳокама қилиш жараёнида депутатлар ушбу қонун лойиҳасининг янги таҳрирда қабул қилиниши ҳозирги даврга қадар қонунчилик даражасида тўлиқ равишда тартибга солинмаган ҳайвонот дунёсини муҳофаза этиш ҳамда ундан фойдаланишни ташкил этиш механизмларини қонун билан белгилаш заруратига боғлиқ эканлигини таъкидладилар. Шу билан бирга, қонун лойиҳаси ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таъсирчанлигини оширишга ва қонун ҳужжатларида мавжуд бўлган камчиликларни бартараф қилишга қаратилганлиги қайд этиб ўтилди. Қонун лойиҳаси биологик хилма-хилликнинг ажралмас қисми сифатида ёввойи ҳайвонлар генафонди комплекс равишда муҳофаза қилинишини таъминлашни назарда тутади. Қонун лойиҳасида давлат органларининг ваколатлари аниқ кўрсатиб қўйилмоқда ҳамда ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солиш юзасидан уларнинг вазифалари белгилаб берилмоқда. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза этиш ва ундан оқилона фойдаланишга қаратилган амалий чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролар иштирок этишига тааллуқли нормаларни мустаҳкамлаб қўйишга алоҳида эътибор қаратилган.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш чоғида давлат бошқарувининг, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларида унинг амалий муҳокама қилинишини ташкил этишга катта эътибор қаратилди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида етакчи мутахассислар, олимлар, тегишли соҳалар амалиётчилари, фуқаролик институтлари вакилларидан иборат Қонунчилик палатаси қўмиталари ҳузурида ташкил этилган эксперт гуруҳлари аъзолари фаол қатнашдилар. Бу эса қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга доир бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди. Оммавий ахборот воситаларида қонун лойиҳасининг муҳокамаси ташкил қилинди, муҳокама натижасида унинг моҳияти ҳамда аҳамияти кенг жамоатчилик эътиборига етказилди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Навоийда 2016 йилнинг биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва жорий йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.**

● **Қашқадарёда "Ҳудудларда ижтимоий шериклик: тинчлик, тотувлик, фаровонлик ва барқарор тараққиёт кафолати" мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.**

● **"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Наманган вилояти кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Анжуман давомида ташкилотнинг кейинги икки ярим йиллик фаолияти таҳлил қилиниб, келгусидаги вазифалари белгилаб олинди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг раиси, унинг ўринбосарлари сайланди.**

● **Бухорода "Ишбилармон аёл – 2016" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Кўрик-танлов доирасида тадбиркор, фермер аёллар ишлаб чиқараётган ва етиштираётган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди. Иштирокчилар "Энг ёш тадбиркор аёл", "Энг ёш фермер аёл", "Энг ёш ҳунарманд аёл", "Мурувватли ишбилармон аёл", "Энг ташаббускор аёл" каби номинациялар бўйича ҳам тақдирланди.**

● **Қўқон шаҳри тиббиёт бирлашмасида гемодиализ (сунъий буйрак) зали ишга туширилди. Германиянинг "Fresenius Medical Care" фирмасида ишлаб чиқилган беш ўринли сув тозалаш станцияси ва беш дона гемодиализ ускунасидан иборат ушбу даволаш зали сурункали буйрак етишмаслиги касаллиги билан оғриган беморлар соғлиғини мустаҳкамлашда қулайлик яратмоқда.**

ЖАҲОНДА

● **Хитойнинг Хубей музофотидаги Тяньмень туманида тинимсиз ёғингарчилик натижасида дамба ёрилиб кетди. Оқибатда унинг атрофидаги аҳоли яшаш жойлари сув остида қолди. 34 мингга яқин киши хавфсиз жойларга кўчирилди.**

● **Японияда об-ҳавонинг кескин исиб кетиши жиддий муаммоларни келтириб чиқарди. Жумладан, шу кунгача офтоб уришидан уч киши ҳаётдан кўз юмди, 3099 нафар одам шифохонага ётқизилди. Синоптикларнинг маълумотларига кўра, июль ойининг охири ҳамда августнинг бошида ҳароратнинг янада кўтарилиши кутилмоқда.**

● **FIFA рейтингида янги мамлакат футбол федерацияси пайдо бўлди, бу — Косоводир. Косоволиклар биринчи уринишдаёқ 66 очко билан рейтингда 190-ўринни эгаллашди.**

Президентимиз Ислом Каримов мустақиллигимизнинг илк кунларидан мулк эгалари ҳуқуқларининг давлат йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва барча мулкчилик шаклларининг ҳуқуқий тенглигини қарор топтиришни иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаб берди. Натижада мамлакатимизда мулкдорлар синфи пайдо бўлди. Собиқ тузумдан қолган маъмурий буйруқбозлик, боқимандалик барҳам топди. Одамларда янгича дунёқараш, мулкка янгича муносабат шаклланди.

МУСТАҚИЛ ЮРТ МУЛКДОРЛАРИ

ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари Анвар УСМОНОВ билан мулкдорлар синфининг ривожланиш босқичлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари ҳақида суҳбатлашди.

– Истиқлолнинг дастлабки йилларидан Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик шаклланиши учун шароит яратилди, – дейди А.Усмонов. – Ўша пайтларда ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотлари билан бўшаб қолган пештахталар, ҳувиллаб қолган дўконларга қайта "жон" бағишлаганини халқимиз яхши эслайди. Бу тузилмалар озиқ-овқат, кийим-кечак, пойафзал ва бошқа товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириб, халқимизни зарур маҳсулотлар билан таъминлаган.

Ота-боболаримиз азалдан касбу ҳунарга эга бўлиш, омилкорлик билан иш юритишга одатланган. Аждодларимиз айнан шу соҳа ҳисобидан рўзғор тебратиб, эл-юртига хизмат қилган.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилида, яъни 1991 йилда "Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун қабул қилингани тарихий аҳамиятга эга бўлди. Айнан шу қонун билан биринчи марта тадбиркорлик тушунчаси, кимлар тадбиркорлик билан шуғулланиши, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгилаб берилди. Кейинчалик ушбу қонун негизида "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, ҳозирги кунда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи асосий қонун сифатида хизмат қилмоқда.

1991 йилдаги "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонун хусусийлаштириш жараёнига янада кенг йўл очди. Аҳолига мулк қилиб берилган корхоналар, бино ва иншоотлар, савдо мажмуаларида турли тадбиркорлик субъектлари фаолият юрита бошлади. Қишлоқларда ерни ҳақиқий эгасига беришга қаратилган сиёсат туфайли фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тадбиркорлик билан шуғулланиш эркинлигини кафолатловчи ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлади. Бош қомусимизнинг 53-моддасида давлат фуқароларнинг тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлаши, хусусий мулк бошқа мулк шаклларини каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги қатъий белгилаб қўйилди.

Ушбу конституциявий нормадан келиб чиққан ҳолда, яъни фуқароларимизнинг тадбиркорлик фаолияти билан эркин шуғулланишини таъминлаш мақсадида ўтган даврда 1 минг 200 дан ортиқ қонун ҳужжати қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатларда тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш, тафтиш қилиш белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилиши, уларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат суд тартибида қўлланилиши белгиланди. Барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги принципи жорий қилинди. Бу амалда ана шу идораларнинг тадбиркор манфаатини таъминлаш йўлида хизмат қилишига кенг йўл очди.

Назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқаридаги масалалар бўйича текшириш ўтказганлиги, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашганлиги учун етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши, ҳатто жиноий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилди. Бу тартиблар ҳаётимизда ўзининг амалий ифодасини топгани боис ноқонуний текширишлар сони кескин қисқарди.

Мамлакатимизда текширишлар билан боғлиқ муносабатлар МДҲ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб қонун даражасида тартибга солинди. Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонуни 1998 йилда қабул қилинган. Бу соҳани тартибга солувчи қонун Россияда 2008 йилда, Қозоғистонда 2011 йилда, Украина ва Молдовада 2012 йилда қабул қилинган.

(Давоми 2-бетда)

МУСТАҚИЛ ЮРТ МУЛКДОРЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида тадбиркорлик фаолияти ҳимояси, хусусий мулк муҳофазасига оид янги қонунлар қабул қилингани соҳа ривожида янги босқични бошлаб берди. Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни қабул қилингани фикримиз исботидир.

Хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлаш, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкининг дахлсизлигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизими яратилгани туфайли жаҳон молиявий инқирози шароитида ҳам мамлакатимизда дунёдаги саноқли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатлари таъминланаётир. Аниқроқ айтганда, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши сўнгги ўн бир йил давомида саккиз фоиздан зиёдни ташкил этиб келмоқда.

Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олди.

– Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари сони кўпайгани, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши йил сайин ошиб бораётганига қайси омиллар сабаб бўлмоқда?

– Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг энг қисқа ва соддалаштирилган тартиби жорий этилгани, бу йўлда учраши мумкин бўлган ҳар қандай тўсиқнинг бартараф этилаётгани ҳамюртларимизнинг тадбиркорликка қўл уришига кенг йўл очмоқда.

Бундан ўн йил аввал кичик корхонани рўйхатдан ўтказиш учун ўнга яқин идорага мурожаат қилиш ва қирққа яқин ҳужжатни тақдим этиш талаб қилинар эди. Тадбиркор ҳали иш бошламасдан туриб ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни рўйхатдан ўтказишдан бошлаб қанча вақт йўқотишга, сарф-харажатлар қилишга мажбур бўларди. Қолаверса, мустақилликнинг дастлабки йилларида тадбиркорлар нафақат рўйхатдан ўтиш, балки фаолият юритишда ҳам анча муаммоларга дуч келгани сир эмас. Ўшанда айрим мансабдорлар бозор муносабатларининг туб моҳиятини тушуниб етмай тадбиркорларга турли бюрократик тўсиқларни вужудга келтирган. Текшириш ниқоби остида тадбиркорлар фаолиятига турли кўринишда ноқонуний аралашувлар тез-тез учраб турган.

Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 1996 йилда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ташкил этилди. Тадбиркорлар фаолиятида ўтказиладиган текширишларнинг барчасини ушбу Кенгаш билан келишилган ҳолда ўтказилиши бўйича янги тартиб жорий этилди. Ўтган даврда бу тизим ўз самарасини бериб, назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувларининг олди олинмоқда.

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида мамлакатимизда бошқа давлатлар амалиётида учрамайдиган тизим жорий этилди. 2000 йилда Адлия вазирлиги таркибида ушбу вазифа билан бевосита шуғулланувчи алоҳида тизим шакллантирилди. Ҳозир вазирлик тизимида Тадбиркорлик субъектлари ва хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси ҳамда ҳудудларда унинг бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Адлия органлари томонидан тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашишларга йўл қўймаслик бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тегишли идораларга 1 минг 208 тақдимнома киритилди. Натижада 979 мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 52 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Давлат идораларининг 837 ноқонуний қарори бекор қилинди. 566 мансабдор шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Тадбиркорлар фойдасига 8,5 миллиард сўм ундириш юзасидан судларга 604 даъво аризаси киритилди.

Адлия органларида ташкил этилган махсус 1008 рақамли "ишонч телефони" тадбиркорларнинг таянчига айланмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларидан 419 мурожаат қабул қилиниб, уларнинг 76,6 фоизи кўриб чиқилиб ҳал этилди. Қолганлари ижрода. Жумладан, Наманган вилояти Чортоқ туманидаги бир гуруҳ фермер хўжаликлари вакиллари "Агробанк" Чортоқ тумани филиали томонидан уларнинг ҳисобварақларидаги пул маблағлари асоссиз равишда бошқа жойга ўтказиб юборилганидан шикоят қилди. Адлия органи томонидан тўпланган ҳужжатлар Чортоқ тумани прокуратурасига юборилди ва пул маблағларини қайтариш бўйича банк вилоят филиалига тақдимнома киритилди. Натижада фермер хўжаликларига маблағи қайтарилди. Бу ҳолатга йўл қўйган банк филиали бошқарувчиси Д.Ҳамидов, бош ҳисобчиси М.Содиқовга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра жиноят иши қўзғатилди.

Адлия вазирлиги томонидан таъсис этилган "Текширишларни рўйхатга олиш китоби"нинг электрон шакли яратилгани унга киритилаётган қайдларни онлайн тарзда кузатиш имконини бермоқда. Бу ноқонуний текширишлар бутунлай барҳам берилишига шароит яратаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили асосида Давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари ташкил этилгани тадбиркорларга катта қулайлик яратди. Жорий йил 1 январдан иш бошлаган марказларда тадбиркорлик субъектларига 16 турдаги давлат хизмати кўрсатилаётир. Эндиликда тадбиркорларнинг давлат рўйхатидан ўтиш, инженерлик коммуникация тармоқларига уланиш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш, ташқи рекламани жойлаштириш, турар жойни нотурар жойга айлантириш каби масалалари бир жойда ҳал бўлади. Ўтган даврда "ягона дарча" марказлари орқали тадбиркорларга 48 мингдан ортиқ хизмат кўрсатилди.

Бундай кенг имкониятлар натижасида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етди. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолининг 77 фоиздан ортиғи мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани, ўз пешона тери билан нафақат оиласини боқаётгани, балки мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётгани мустақиллик берган имкониятларнинг самарасидир.

– Мамлакатимиз ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, яратилаётган шарт-шароит ва ҳуқуқий кафолатлар қандай самаралар бермоқда?

– Маълумки, инвесторлар ўз сармоясини фойда олиш эҳтимоли юқори бўлган давлатлар иқтисодиётига киритади. Бу жиҳатдан Ўзбекистон бугун жаҳондаги энг юқори ва қулай инвестиция муҳити яратилган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бунда Президентимиз Ислом Каримов томонидан тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш ва уни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимиздаги бой минерал-хомашё ресурслари, малакали ишчи кучи, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик каби омиллар хорижий инвестициялар оқимининг янада кўпайишига йўл очаётир.

Ташқи иқтисодий фаолият эркинлаштирилди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши изчил рағбатлантирилмоқда. Товарлар импорт-экспорти билан шуғулланувчи чет эл инвесторларига ўз даромадларидан эркин фойдаланишлари бўйича қонунчиликда имтиёзли тартиб жорий этилди. Натижада иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида хорижий сармоялар иштирокида 4,5 мингдан ортиқ корхона самарали фаолият юритаётир.

Бир сўз билан айтганда, хусусий сектор нафақат ялпи ички маҳсулотни шакллантиришнинг, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, фаровонликка эришишнинг муҳим омилига айланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг муҳим кафолати, юртимиз тараққиётининг фаол кучларидан биридир, десак янглишмаймиз. Бу мамлакатимиз иқтисодиёти жадал ривожланаётгани, экспорт салоҳияти юксалаётгани, обод ва кўркам қиёфа касб этаётганида, халқимизнинг фаровон турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт, деган сўзлари тўлиқ ўз ифодасини топмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА
суҳбатлашди

Ягонасан, муқаддас Ватан!

ОНА ДИЁРИМИЗНИ МАДҲ ЭТИБ

"Туркистон" саройида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Истиқлолимизнинг 25 йиллиги арафасида жонажон Ватанимиз, тинч ва осойишта кунларимиз қадр-қимматини ифода этувчи ижодий танловлар, мусиқий кечалар, маънавий-маърифий тадбирларнинг ўтказилаётгани ҳар бир юртдошимиз қалбига чексиз ғурур, ифтихор бағишламоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида кўтаринки ва байрамона руҳда ўтказилаётган анъанавий "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танлови ана шундай лойиҳалардан биридир.

Танловнинг Тошкент шаҳар босқичида 46 нафар иштирокчи Ўзбекистонни, тинчликни, буюк тарихимиз ва бугунимизни тараннум этувчи қўшиқларини тингловчилар ҳамда ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола қилди.

– Танлов учун "Бахтли қиз" қўшиғини тайёрлаб келдим, – дейди ЎзА мухбирига Олмазор тумани маданият ва спорт ишлари бошқармаси қошидаги 8-аҳоли маданият ва дам олиш маркази хонандаси Камола Саломова. – Қўшиқда истиқлолнинг биз – ўзбек қизларининг истиқболи йўлидаги кенг имкониятлари тараннум этилади. Бундай ижодий танловлар Ватанимизга бўлган бор меҳр ва эҳтиромимизни юксак пардаларда тараннум этиш имконини беради.

Танлов якунига кўра, "Ватан" қўшиғи учун Акмалхўжа Холхўжаев биринчи ўринга муносиб топилди. Сардор Турсунов "Ифтихор" қўшиғи учун, Улуғбек Холиқов "Ассалом" қўшиғи учун иккинчи ўринга, Гулноза Боймирзаева "Чиройли ўлкам" қўшиғи учун, Баҳром Каримов "Ўзбекистон" қўшиғи учун, Забиҳилла Тўлқинов "Ватаним" ҳамда Сардор Ғафуров "Ўзбекистоним" қўшиғи учун учинчи ўринга муносиб топилди.

(ЎзА)

ДЕПУТАТЛАР ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонун лойиҳасининг муҳокамаси парламент қуйи палатасининг Демократик кучлар блоки ва мухолифатдаги фракциялари йиғилишларида ҳам бўлиб ўтди, йиғилишлар якунларига кўра ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат юзасидан уларнинг нуқтаи назари шакллантирилди.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида биз нормаларни амалга оширишни таъминлашга қаратилган қоидаларни имкон қадар батафсил баён этиш, ҳаволаки нормаларни камайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдик, – **дейди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси Ж.Атоджонов.** – "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири унинг нормаларини янгидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлаштиришга қаратилган. Қонун лойиҳасида ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш турлари ҳамда усулларини аниқлаштириш, ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун рухсатномалар бериш чоғида рухсат этиш тартиб-таомилларидан ўтиш тартибини мукаммаллаштириш, ушбу соҳада мониторинг ва назоратни ўтказиш назарда тутилган.

Муҳокама давомида депутатлар кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаси ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда ундан оқилона фойдаланиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий асосга айланишини таъкидлаб ўтдилар.

Кўриб чиқиш якунларига кўра, ушбу қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига юборилди.

Сўнгра депутатлар бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан киритилган "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Лойиҳа айрим қонунчилик ҳужжатларини "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонун нормаларига мувофиқлаштиришга қаратилган бўлиб, парламент назоратининг айрим шаклларини амалга ошириш нормалари ҳамда тартиб-таомилларини янада такомиллаштиришни назарда тутади.

Мунозаралар якунларига кўра, депутатлар ушбу қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан маъқуллашга ва биринчи ўқишда қабул қилдилар. Келиб тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда ҳужжатни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш масъул қўмитага топширилди.

Депутатлар мажлисда кун тартибидаги бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Ахборот хизмати

АХБОРОТ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКА ОШИРДИ

Пойтахтимизда Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари ходимлари учун минтақавий семинар-тренинг ўтказилди.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда ҳамда ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида ташкил этилган ушбу семинар-тренинг машғулотларида соҳа ходимларининг жамоатчилик билан ишлашга оид касб малакаси оширилди.

Жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий матбуот соҳасини изчил ислоҳ этиш, фуқароларнинг ахборот олишга оид конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш масаласи доимий эътиборда эканини таъкидлади.

Семинарда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, аҳолини мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар ҳақида мунтазам хабардор этиш кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда алоҳида аҳамият касб этаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни фуқароларнинг ахборот олишга оид ҳуқуқларини тўла таъминлаш имконини бермоқда.

– Бугунги кунда аҳолига ахборотларни тезкор етказиш ва мунтазам янгилаб боришда веб-сайтлар муҳим ўрин тутмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси матбуот хизмати ходими Зебо Ҳайдарова. – Ушбу семинар матбуот хизмати ходимларининг шу йўналишдаги билимларини янада бойитиш ва мустаҳкамлаш, иш тажрибасини оширишга хизмат қилади.

Семинарда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ахборот хизматининг ўзига хос жиҳатлари, оммавий ахборот воситалари билан ишлаш тамойиллари, ҳамкорлик этикаси, медиа тузилмалар учун ахборот материалларини тайёрлашга оид маърузалар тингланди.

Н.УСМОНОВА



Оқил Ғуломов (ЎзА) олган сурат

Миллий ҳунармандчилигимизнинг дурдона асарлари ёшлар нигоҳида

ЁШ ТАДБИРКОРЛАРГА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги академик лицейда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган "Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг долзарб масалалари" II республика ёш тадбиркорлар форумининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Форум "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши, Фуқаролик жамияти шакллантиришини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар Адлия бошқармалари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда ёш тадбиркорлар, адлия, банк-молия, солиқ соҳалари вакиллари қатнашди.

Тадбирни ташкил этишдан асосий мақсад ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, соҳада иш олиб бораётган барча давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ижтимоий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш орқали ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш истиқболларини белгилашдан иборат.

— Ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг бизнес ғояларини қўллаб-қувватлаш ҳамда имтиёзли микрокредитлар билан таъминлашга кўмаклашиш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий дастурий вазифаларидан бири ҳисобланади, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати етакчи мутахассиси Азиза Раҳматуллаева. — Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган имкониятлар натижасида ёшлар орасида ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлганлар сони кўпайиб бормоқда. Бу йўналишда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг тадбиркорликка оид лойиҳалари эса ёш тадбиркорларнинг сафини янада кенгайишига замин яратиб, уларнинг ўз бизнесини йўлга қўйишида мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳар йили Ҳаракат томонидан ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ёш тадбиркорлар фаолиятини кенг тарғиб қилиш, уларни имтиёзли кредитлар олишида кўмаклашиш мақсадида "Менинг бизнес ғоям", "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" танловларининг ўтказилиши фикримизга яққол мисол. Ушбу танловлар ғолиби бўлган ёш тадбиркорлар тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар олиш имкониятига эга бўлади. Энг асосийси, ушбу лойиҳаларнинг Республика босқичида ғолибликни қўлга киритган ёш тадбиркорларнинг кредит фоиз тўловлари "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан қопланиши эса ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Форумда фаол иштирок этган ёш тадбиркорлар ташкилотчилар томонидан сертификат ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Зиёда РАСУЛОВА

ВАТАН ШАЪНИНИ УЛУҒЛАШ – ЭНГ БУЮК БАХТ



Е.Шамсиддинов, О.Ғуломов (ЎзА) олган суратлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимизнинг ҳеч бир соҳа мамлакатни спортчалик дунёга тез танита олмайди, деган сўзларининг исботини юксак мақсадлар сари қурашадиган, халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар етишиб чиқаётганида, уларнинг Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида муносиб қатнашиб, юксак ғалабаларни қўлга киритаётганида яққол кўришимиз мумкин.

Мамлакатимиз спортчилари Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари ва XV Паралимпия ўйинларида иштирок этиши бунинг далилидир.

Президентимизнинг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги Қарори спортчиларимизни ушбу нуфузли спорт анжуманларига пухта, босқичма-босқич тайёрлаб боришда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Олимпия ўйинларига йўлланмаларни қўлга киритиш ва ушбу мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаш имконияти юқори бўлган истиқболли спорт турлари аниқланиб, улар бўйича федерацияларнинг фаолияти атрофлича ўрганиб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг қарори ижроси доирасида 2013 йил 2 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Ўзбекистон олимпиадачиларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Жамғарма маблағлари республика спорт федерацияларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга йўналтирилмоқда. Олимпия ва Паралимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича Ўзбекистон спортчи ва мураббийларига стипендия тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланиб, спортчи ва мураббийлар муносиб рағбатлантирилмоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг янги биноси фойдаланишга топширилди, Ўзбекистон спортчиларини тиббий-биологик хизмат ва спорт психологияси билан таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган марказ ташкил этилди. Спортчиларимиз мамлакатимиз ва хорижда ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этиб, тажриба ва маҳоратини оширди.

Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, Тошкент шаҳрида Олий маҳорат спорт мактаблари барпо этилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси М.Усмонов мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида барча соҳалар қатори спорт ҳам жадал ривожланаётганини алоҳида қайд этди. Сўзга чиққан спортчиларимиз Олимпия ўйинларида ўзларининг маҳоратини намойиш этиб, юксак ғалабалар билан қайтишга ваъда бердилар. Бу ғалабалар мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрамига муносиб туҳфа бўлажагини таъкидлади.

Президентимизнинг 2016 йил 12 июлдаги Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёргарлиги ва иштироки тўғрисидаги қарори спортчиларимизнинг мазкур нуфузли мусобақаларда муносиб қатнашишини таъминлашга хизмат қилади.

Агар, 2012 йили бўлиб ўтган Лондондаги мусобақаларда 63 спортчимиз иштирок этган бўлса, бу йилги ўйинларда 100га яқин спортчимиз қатнашиши кейинги тўрт йил ичида профессионал спортимиз шиддат билан ўсганини яққол кўрсатади.

Олимпия ўйинларида спортчиларимиз академик эшкак эшиш, бадиий гимнастика, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, бокс, дзюдо, енгил атлетика, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), теннис, трамполин, ўқ отиш, эркин ва юнон-рум кураши каби қатор спорт турлари бўйича баҳслашади. Улар орасида Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатлари ғолиб ва совриндорлари бўлган тажрибали спортчилар билан бир қаторда ушбу мусобақада илк маротаба иштирок этадиган ёш спортчилар ҳам кўплиги мамлакатимиз спорт салоҳияти юксалиб бораётганидан далолат беради.

Бу йилги XXXI ёзги Олимпия ўйинлари Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ташкил этилаётгани ҳам ўзига хос маъно-мазмунга эга. Зеро, истиқлолимиз туфайли истеъдоду салоҳиятда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч қачон кам бўлмайдиган, жаҳон майдонларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб юксак ғалабаларни тантана қиладиган спортчилар етишиб чиқаётганидан фахрланамиз.

Спортчиларимиз бу йилги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган шиорни қалбига жо қилиб, бўлажак беллашувларда юксак натижаларни қўлга киритишга ва энг улуғ, энг азиз байрамимизга муносиб туҳфа билан қайтишга аҳд қилган.

– Мени Президентимиз асос солган уч босқичли узлуксиз спорт мусобақалари тарбиялади, истеъдодимни юзага чиқарди. Биз Президиумга йўл олар эканмиз дилимизда ҳам, тилимизда ҳам "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган шиор билан курашга киришамиз, – дейди бокс бўйича Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати совриндори Бектемир Меликўзиев. – 2015 йилда Оқсаройда "Шуҳрат" медалини топшираётганларида Президентимиз мени бағрига босиб, "Сен Олимпиададан албатта чемпион бўлиб келишинг керак!" дея юксак ишонч билдирдилар. Юртбошимизнинг бу сўзлари юрагимдан мустаҳкам ўрин олган. Олимпия ўйинларидан албатта чемпион бўлиб, Ватанимга ёруғ юз билан қайтаман.

– Лондонда ўтган Олимпия ўйинларида бронза медални қўлга киритганимдан кейин Президентимиз мени "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони билан тақдирлаганида, бу юксак мукофот мен учун олтин медалдан ҳам қадрлироқ эканини ҳис қилдим, – дейди дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, икки карра Олимпия ўйинлари совриндори Ришод Собиров. – Мен Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XXXI ёзги Олимпиадада "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" дея беллашувларга киришаман ва Президентимизнинг, халқимизнинг ишончини оқлайман!

– Ҳар бир спортчимиз каби мен ҳам жаҳон майдонларида она Ватанимиз – Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш имконига истиқлол шарофати билан эришганимни чуқур ҳис қиламан, – дейди таэквондо (WTF) бўйича жаҳон чемпиони Дмитрий Шокин. – Мен мана шундай юртда туғилиб, вояга етганимдан, спорт билан шуғулланиб, жаҳон спорт ареналарида Ватан шаъни учун беллашувларга кириш бахтига муяссар бўлаётганимдан фахрланаман. Жаҳон чемпионатида қўлга киритган олтин медалимни Олимпия ўйинларида ҳам такрорлашни мақсад қилганман. Чунки "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори қалбимдан мустаҳкам жой олган. У менга куч-қувват беради.

– Мамлакатимизда спортнинг қизларга хос турлари, жумладан, бадиий гимнастикани ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик минглаб спортсевар қизларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишида, орзуларининг рўёбга чиқишида муҳим омил бўлмоқда, – дейди бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпиони Луиза Ғаниева. – Бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан Олимпиададан ёруғ юз билан қайтишга ваъда берамиз.

Ўзбекистон халқ шоири С.Саййид Ўзбекистон спорт делегациясига бўлажак мусобақаларда омад ёр бўлишини тилаб, янги шеърини ўқиб берди.

Санъаткорлар иштирокида намойиш этилган концерт спортчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

XXXI Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларида қатнашадиган Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари анъанага мувофиқ Мустақиллик ва эзгулик монументи, Амир Темур ва Алишер Навоий ҳайкаллари пойига гул қўйди.

– Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйиш асносида халқаро майдонларда эришаётган барча ютуқларимиз истиқлол туфайли эканини яна бир бор чуқур ҳис этдик ва ушбу муаззам майдонда туриб Олимпиададан ёруғ юз билан қайтишни мақсад қилдик. Президентимиз халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида мени бағрига босиб, Олимпия ўйинларида чемпион бўлишимга ишонч билдирди. Президентимизнинг ишончи менга далда бўлади! – дейди бокс бўйича жаҳон чемпионати совриндори Баҳодир Жалолов. – Олимпия ўйинларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб чиқиш менга топширилганидан фахрланаман. Президентимиз томонидан спортчиларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликка жавобан Олимпия ўйинларида юксак натижаларга эришиш учун барча куч ва салоҳиятимизни ишга соламиз.

– Спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси – Олимпия ўйинларида жонажон Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтариб, мадҳиямизни янгратиш биз, спортчилар учун юксак шарафдир, – дейди юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионати совриндори Элмурод Тасмуродов. – Чунки ўз тақдирини мана шу юрт тақдири билан муштарак кўриш, Ватан шаънини ҳимоя қилиш – энг улуғ бахтдир!

– Биз не-не улуғ алломаларга бешик бўлган буюк юрт фарзандлари эканимиздан фахрланамиз, боболаримизга муносиб ворис бўлишни бурчимиз, деб биламиз, – дейди таэквондо (WTF) бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Нигора Турсунқулова. – Мақсадимиз Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XXXI ёзги Олимпиадада Ўзбекистон спортчилари истеъдоду салоҳиятда, тажриба ва маҳоратда ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини яна бир бор исботлашдир.

Ўзбекистон спорт делегациясини кузатиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев, Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов иштирок этди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ

